



БОШ КЕНТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.



Қийин синовлар келтирган 2020 йил ортда қолиб, янги йил кириб келди. Бу йил барчага янги умидлар бағишламоқда. Бунга ҳамоҳанг барча соҳаларда, жойларда яхши ўзгаришлар рўй бермоқда.

Хусусан, пойтахтимизда ҳам қурилиш, янгиланиш давом этмоқда. Шаҳар марказидаги Ислоҳ Каримов кўчасида Олий Мажлис Сенати учун янги бино ҳозирланаётганидан кўпчилик хабардор. Лойиҳага кўра, 6 қаватли эски бино тубдан реконструкция қилиниб, кўшимча объектлар қуриломоқда. Бугунги кунда муҳандислик тармоқлари монтаж қилиняпти.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу боис, Сенатда доим иш «қайнайди». Юқори палатанинг ҳаёти муҳокама ва музокараларга бой. Хорижий делегациялар ҳам кўп

ташриф буюради. Парламент назоратининг ўзи катта ва ўта муҳим вазифа.

Янги бинода ана шундай барча жиҳатлар инобатга олиниб, сенаторлар учун энг замонавий шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисини ўтказиш учун 280 ўринли зал ташкил этилмоқда. У миллий нақшлар билан безатилган, замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлади.

Президент бу ерда қўлайликларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Парламентимиз фаол ишлаяпти. Мажлислар пайтида битта қонун лойиҳаси соатлаб муҳокама қилинади. Шунинг учун иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, саломатлиги, ёши билан боғлиқ ҳар бир жиҳатни эътиборга олиш, шунга яраша қўлайлик яратиш зарур. Залга қуёш нури тушиб турса, кайфиятга, ишга яхши таъсир қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги бинода делегациялар билан учрашувлар, матбуот анжуманлари,

оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ҳам барча шароит яратилди.

Заргарлик маҳсулотлари бутун дунёда харидорғир. Жаҳон заргарлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йилига беш-олти фоизга сўсатгани, товар айланмаси 250 миллиард доллардан ошаётгани унинг улкан экспорт салоҳиятидан далолат беради.

Мамлакатимизда кўп йиллар бу тармоқ эътибордан четда қолганди. Заргарлик корхоналари асбоб-ускуналарининг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 8 май куни ўтказилган йиғилишда заргарликни чинакам саноат даражасига олиб чиқиш вазифасини қўйган эди. Кўп ўтмай, ўша йили 18 майда давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, соҳага чет эл инвести-

цияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган «Gold Moon Tashkent» масъулияти чекланган жамияти ана шу натижалардан бири.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхонага ташриф буюрди.

Лойиҳани амалга ошириш учун қарийб 21 миллион АҚШ доллари жалб этилди. Италия, Германия ва Туркиянинг заргарлик тармоғида етакчи ҳисобланган фирмаларидан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди.

«Gold Moon Tashkent» МЧЖ директори ўринбосари Ҳикмат Маҳмудовнинг айтишича, турли хилдаги тайёр ва ярим тайёр заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга 200 дан ортиқ уста-заргар жалб қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнида италиялик дизай-

нер ва техник ходимлар заргарларга ўз маҳорат сирларини ўргатмоқда.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қимматбаҳо металллар ва тошлардан йилга 6 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

Заводга хомашё мамлакатимиздаги йирик тоғ-кон саноати корхоналаридан биржа савдолари орқали сотиб олинади. Заргарлик буюмлари «Фонон» бренди остида бозорга чиқарилади.

Ушбу корхонанинг иш бошлаши маҳаллий хунармандлар учун ҳам қўлайлик яратди. Корхона уларга ярим тайёр маҳсулот етказиб беради.

Шунингдек, завод биносида савдо дўкони ҳам ташкил этилган. Бу ерда нафис услубда ишланган, жозибадорлиги ва сифати билан барчага бирдек манзур бўлувчи заргарлик буюмлари савдоси йўлга қўйилган.

Савдо дўконида сотувчилар томонидан ҳар бир миқдорнинг диди ва хоҳишига кўра энг нодир заргарлик маҳсулотлари тавсия этилади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, ходимлар билан мулоқот қилди.

— Заргарлик халқимизда азалдан бўлган, бугун ҳам бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бизнинг мақсадимиз — ёшларни замонавий технологиялар ва дизайнга ўргатиб, камда 10 минг нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш. Ўзбекистон миллий брендини жаҳон бозорига чиқариш. Юртимизда хомашё, қўли гул хунармандлар бор. Бу соҳа миллий анъаналарни тиклаш, ўзгиртиришни аниқлаш нуктаи назаридан ҳам катта пойдевор.

Корхона анъанавий ўзбек заргарлик буюмларини Европа ва Италия дизайни билан янада бойитиш, асиллик даражаси ва сифатини кафолатлаш, тиллага ишлов бериш усулларини кўпайтириш орқали ноодатий тақинчоқлар ишлаб чиқариш, олтин ва кумуш ёмбилар савдосини йўлга қўйиш, Ҳиндистон, Африка ва Шри-Ланкада ишлов берилган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланиб, тақинчоқлар ясашни мақсад қилган.

Бугунги кунда маҳсулотларга харидор кўпайиб, импорт ўрнини босмоқда. Маҳсулотлар Россия, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Заргарлик соҳасини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош ва экспортбош маҳсулотларни ишлаб чиқариш устувор вазифалардан. Мазкур заргарлик буюмлари корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Марказий Осиёдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда ўзининг Олий Мажлисга Мурожаат-

номасида жорий йилда ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор илк бор белуф гемодиализ хизмати билан қамраб олиниши, бунинг учун бюджетдан 140 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари шу йўналишдаги янги мажмуа — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги қурилиш ишлари билан танишди.

Юртимиздаги табиий шароит буйрак касалликларини келтириб чиқариш омилларидан бири. Масалан, ўтган йили сурункали буйрак касаллиги билан 118 мингдан зиёд бемор диспансер кузатувида бўлган. Уларнинг 23 минг нафаридан сурункали буйрак етишмовчилиги кузатилган, 5 мингдан зиёди гемодиализга муҳтожлик сезган. Бу каби муаммолар даволашнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш заруратини кўрсатди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қурилаётган тиббиёт маркази шу борадаги ишлардан биридир. Бу жой илгари Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси эди. Унинг эскирган биносида гемодиализ олиш учун ўринлар сони эҳтиёждан бир неча баравар кам, аҳолига сифатли нефрология ёрдами кўрсатиш имконияти анча чекланган эди.

Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур шифохона негизда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Илгари гемодиализ муолажаларида диализаторлар кўп мартаба ишлатилар эди. Соҳага эътибор тўғрисида 2019 йил ноябрь ойидан бошлаб гемодиализ беморлар учун диализаторлардан бир мартаба фойдаланишга ўтилди. Бу тиббиётимиздаги инқилобий ютуқ бўлиб, даволаш сифатини кескин ошириш, беморлар умрини узайтириш, қон орқали юқиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди.

Янги марказда буйрак етишмовчилиги касалликларини даволашда энг илгор хизматлар йўлга қўйилади. Бугунги кунда бу ерда иккита янги даволаш корпуси барпо этилмоқда. Жорий йилда 3-4-корпуслар фойдаланишга топширилади. Келаси йили мавжуд бинолар таъмирланади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

▶ Давоми 2-бетда

АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор



ВАТАНИ ВАТАНПАРВАРЛАР АСРАЙДИ

2020 йил поёнида бўлиб ўтган ва тарихий саналарга айланган, икки улуғ анжуманда бевосита иштирок этиб, Президентимизнинг Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси маърузаларини эшитдим.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Президентимизнинг даъвати, долзарб фикрлари, чорловлари минглаб қалбларни ҳаяжонга солди, Ватан, элу юрт, халқ олдидаги масъулиятимизни, бурчларимизни, маънавий қарзларимизни чуқур тафаккур қилиб кўришга ундади.

Ўзим ҳам халқимизнинг бир ижодкор фарзанди сифатида зиммамдаги вазифаларнинг нечоғлик кўп ва хўб эканини ўйлаб, шууриmdа навбатдаги режаларни тузарканман, ўнлаб муҳим масалалар ечимини кутаётганини илғадим. Шу йили 12 январь куни Ватан химоячилари қуни арафасида Қуролли Кучлар академиясига тақлиф этилганим ва у ерда давлатимиз раҳбари кўтарган муҳим масалалар, илгари сурган илгор ғоялар ҳаммамизни яна бир қарра уйғотди, руҳлантирди, янги марралар сари илҳомлантирди.

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ШАХМАТ БИЛАН АҚЛ, ТАФАККУР ВА ҒОЯЛАР УЎЛҒАЯДИ

Мамлакатимизда ҳар соҳада ислохотлар жараёни кечмоқда. Бу янгиланишлар юрт ва миллат келажаги истиқбол, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти оширишга хизмат қилади. Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу йўлда навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.



▶ Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН «ХТД – 2021» ГЛОБАЛ ТАДБИРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РАСМАН БОШЛАДИ

мамлакатимиз «Халқаро таққослаш дастури – 2021» глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йил январь ойидан бошланган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичи доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистонда статистик маълумотлар очиклигини таъминлаш ҳамда халқаро ташкилотлар билан статистикани шакллантириш ва ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда, жами 16 та халқаро статистика ташкилоти билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, 2018 йилнинг май ойидан бошлаб, Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотлари тарқатишнинг умумий тизимида 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги макроиктисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлар тўпламларини эълон қилиб бормоқда. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимизни яна бир муҳим халқаро статистик тадбир — Бирлашган миллатлар ташкилотининг «Халқаро таққослаш дастури — 2021» (ХТД-2021) да муносиб қатнашини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Бошланиши 1-бетда



Баҳодир БЕГАЛОВ,
Давлат статистика қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мазкур йўналишдаги ишларнинг муҳим аҳамияти шундаки, бунда мамлакатимиз БМТнинг статистика соҳаси бўйича энг кенг қамровли ва муҳим глобал дастурида илк бор расман иштирок этмоқда.

Халқаро таққослаш дастурида қатнашиш доирасида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот беришдан аввал мазкур глобал статистик дастур моҳияти ва унинг тарихига қисқача тўхталиш жоиз.

Халқаро таққослаш дастури — дунёнинг деярли барча давлатлари статистика идоралари иштирок этадиган халқаро статистик дастур бўлиб, унинг доирасида валюталар харид қобилияти паритети, ЯИМ ва унинг таркибий қисмларини халқаро даражада ва мамлакатлараро таққослаш ишлари амалга оширилади.

Валюта харид қобилияти паритети — мамлакатлардаги нархлар даражасини ўрганиш ва ўзаро таққослаш асосида аниқланадиган алмашув курси — (Purchasing power parity PPP), миллий валюталар расмий курсларига муқобил алмашув курси ҳисобланади.

Халқаро таққослашлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатлар иқтисодиётларини таққослаш ишлари илк бор Европа Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида 1950 ва 1954 йилларда ўтказилган.

Валюта харид қобилияти паритетига асосланган таққослаш ёндашувининг ишлаб чиқилишига зарурат XX асрнинг ўрталаридан бошлаб аксарият валюталар расмий курсларининг уларни харид қобилиятини акс эттирмаслиги ва шу сабабли макроиқтисодий таққослашда қониқарли аниқликни таъминлай олмаслиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Мазкур ҳолат кўплаб мамлакатларда валюталарнинг расмий алмашув курсларини бошқаришга ўтилиши, жумладан, қатъий белгилаб қўйилиши ёки сунъий пасайтирилиши натижасида юзага келган. Яна бир камчилик сифатида валюта расмий курсларида ривожланишнинг турли босқичида

бўлган мамлакатларда товар ва хизматлар нархларидаги фарқланишлар, хусусан, нисбатан паст даромадли ривожланаётган мамлакатларда товар ва хизматларнинг одатда арзонроқ бўлишини акс этмаслиги таъкидланади.

Бошқача қилиб айтганда, валюталар расмий курслари асосида амалга оширилган халқаро таққослашлар мамлакатлар иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш фаровонлиги бўйича ҳақиқатга мос бўлмаган ҳулосаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўз навбатида, бугунги кунда ўтказилаётган “Халқаро таққослаш дастури”нинг дастлабки шакли — “Халқаро таққослаш лойиҳаси”, яъни валюта харид қобилияти паритетига асосланган миллий ҳисоб тизимлари кўрсаткичларининг глобал таққослаш тизими 1960 йиллар охирида БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши қарорига асосан ишлаб чиқилган.

“Халқаро таққослаш лойиҳаси” илк бор 1968 йилда ўтказилган бўлиб, унда 10 та мамлакат — Венгрия, Ҳиндистон, Италия, Кения, Колумбия, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва Япония иштирок этган. 1985 йилда “Халқаро таққослаш лойиҳаси” “Халқаро таққослаш дастури” деб

ўзгартирилди. Ушбу дастурда 1993 йилда 83 та, 2005 йилда 146 та, 2011 йилда 197 та ҳамда 2017 йилда 176 та мамлакат қатнашди.

Дастур ташаббускорлари БМТ ва Жаҳон банки бўлиб, одатда у ҳар 3 йилда бир мартаба ўтказилади. Ушбу дастурнинг халқаро даражада мувофиқлаштирувчиси — Жаҳон банки, МДХ мамлакатлари бўйича эса — МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси ҳисобланади. Дастур доирасида давлатлар 6 та гуруҳларга, яъни Африка, Осиё, МДХ, Европа, Америка ва Ғарбий Осиё мамлакатлари гуруҳларига бўлинади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари гуруҳига киритилган бўлиб, мамлакатимизнинг ХТД глобал дастуридаги иштироки бўйича тадбирлар МДХ Статистика қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Халқаро таққослаш дастурида қатнашиш доирасида валюталарни харид қилиш қобилияти паритети ва макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, маҳсулотлар ва хизматлар нархлари, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ҳамда қайта ишлашни талаб этади. Бунда, дастурда кўзда тутилган ишларни тўлиқ ҳажмда бажариш учун одатда 3 йил вақт талаб этилади ва у “таққослашлар цикли” деб аталади.



ЎЗБЕКИСТОН “ХТД – 2021” ГЛОБАЛ ТАДБИРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РАСМАН БОШЛАДИ

мамлакатимиз “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йил январь ойидан бошланган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказилади



ХТД натижаларидан Халқаро ташкилотлар (БМТ, Жаҳон банки, ХВЖ, ОЕСД, Европа иттифоқи), миллий ҳукуматлар, шунингдек, илмий ташкилотлар ва экспертлар таҳлилий ҳамда амалий мақсадларда кенг фойдаланади. Хусусан, халқаро таққослаш натижаларидан мамлакатларнинг умумий иқтисодий ривожланиш даражасини ва халқларнинг турмуш фаровонлигини баҳолаш, миллий иқтисодиёт самарадорлиги ва салоҳиятини аниқлаш ҳамда таққослаш, мамлакатларнинг молиявий имкониятларини таҳлил қилиш (халқаро ташкилотлар бюджетига ажратмаларни ҳисоблаш учун), уларга халқаро ёрдам бериш бўйича қарорлар қабул қилиш каби ишларда кўл келади.

Энди бевосита мамлакатимизнинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021”да иштирокига тўхталадиган бўлсак, бу борада Давлат статистика қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, кенг кўламли тайёргарлик ишлари йўлга қўйилди.

Бу борада, энг аввало, 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг “ХТД — 2017” босқичида экспериментал тартибда иштирок этиши таъминланди. Хусусан, мазкур тадбир доирасида мамлакатимиз худудида 1700 дан ортиқ товар ва хизматлар нархлари кузатувлари ўтказиш йўлга қўйилди ҳамда тўпланган нарх маълумотлари МДХ статистика қўмитасига миллий валютаимиз сўмнинг харид қобилияти паритетини ҳисоблаш учун тақдим этиб борилди.

Шунингдек, ХТД услубий талабларидан ке-

либ чиққан ҳолда, қўмита томонидан юртимизнинг 2017 йил учун якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичини 200 га яқин таркибий қисмларга ажратиш ишлари бажарилди.

“ХТД — 2021” глобал тадбирида иштирок этиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида қўмита таркибий тузилмасида алоҳида бўлинма — Халқаро таққослаш дастури бўйича нархлар кузатуви статистикаси бўлими ташкил этилди ҳамда малакали кадрлар танлаб олинди. Қўмитанинг тегишли таркибий бўлинмалари ходимлари билим ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “ХТД — 2021” масалалари билан бевосита шуғулланувчи ходимлар МДХ Статистика қўмитаси томонидан уюштирилган қатор ўқув курсларида қатнашди.

Ўзбекистоннинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йилдан бошланган бўлиб, жумладан, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товарлар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказилади. Тўпланган нарх маълумотлари МДХ Статистика қўмитасига харид қилиш қобилияти паритетини ҳисоблаш учун тақдим этиб борилади.

Умуман олганда, сўнги уч йил давомида амалга ошириб келинаётган тайёргарлик ишлари Давлат статистика қўмитаси мутахассислари учун муҳим амалий тажриба орттириш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбирида муносиб иштирок этиши учун замин яратди.